



Т О Ш К Е Н Т О Қ Ш О М И

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 78 (11.639)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Замон талабларидан келиб чиққан ҳолда янги технологик линиялар ўрнатиш, рақобатбардош маҳсулотларни кўпайтириш, ёшлар учун қўшимча ўринлар яратишни мақсад қилган корхоналар кўп.

**Иқтисодиёт
ЯНГИ ИШ
ЎРИНЛАРИ
ЯРАТИЛАДИ**

«2-темир-бетон маҳсулотлари заводи» қўшма корхонаси ҳам шулар сирасига кирди.

Бугунги кунда корхона рақобатбардош маҳсулотларини ҳамдўстлик давлатлари ҳам етказиб бермоқда.

— Корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жаддалаштириш, замонавий технологияларни кенг жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги бежиз эмас, — дейди корхона директори Абдували Ваҳобов. — Бизнинг ҳам худди шундай йўналишлар бўйича фаолият кўрсатишимиз ички ва ташқи бозорда барқарор маънага эга бўлишимиз имконини бермоқда.

200 нафарга яқин малакали ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган ушбу корхона халқаро ISO сифат сертификатига эга.

Мамлакатимиздаги энг йирик қурилиш ташилотлари мазкур корхона билан шар-

тнома тузган бўлиб, барча буюртмалар ўз муддатларида бажарилади. Ишчи-хонимларга етарли шарт-шароитлар яратилган. Икки маҳал иссиқ овқат, сут маҳсулотлари берилди. Бундай рағбатлантириш яхши самара бермоқда.

Корхонада айни кунларда янги лойиҳалар устида кизгин иш кетмоқда. «Ўзбекистонда тайёрланган» тамғаси билан темир-бетон маҳсулотлари яқин келажакда Афғонистонга чиқарилади. Бундан ташқари Италия, Германия ва Испания давлатларидан мини-заводлар келтирилиб, маҳсулот турларини кўпайтириш кўзда тутилган.

Ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилиши янги иш ўринлари яратилишига асос бўлади.

**Мухаббат ХАБИБУЛЛАЕВА
СУРАТДА: корхона фаолиятдан
лаҳза.**

Владимир Портнов олган сурат.

Қарор ва ижро

ЭНЕРГИЯНИ ТЕЖАШ ЙЎЛИДА

Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан мамлакатимиз электр энергетикасини модернизация қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар энергия сарфини камайтиришни, электр энергиясини автоматлаштирилган ҳолда ҳисобга олиш асосида энергия тежаш тизимини кенг жорий этишни кўзда тутди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 5 июнда қабул қилинган «Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ энергетика объектлари, барча хўжалик субъектлари, маъший соҳа истеъмолчиларини замонавий электрон ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш ишлари давом этмоқда.

Электрон ахборот тўплаш марказлари, авваламбор, 10 та иссиқлик электр станцияси, 14 та ҳудудий электр тармоқлари корхонаси, электр станцияларнинг олти каскади ва «Ўзэлектртармок» магистрал электр тизимлари корхоналарида ташкил қилинмоқда.

Республикаимизнинг барча вилоятларидаги энергия билан таъминловчи корхоналар замонавий электр энергиясини ҳисобга олиш приборлари билан таъминланмоқда.

Тошкент иссиқлик электр станциясини автоматлаштириш бўйича монтаж қилиш ва сошлаш ишлари бошланди. Бунинг учун зарур асбоб-ускуналар, жумладан, замонавий, кўп функцияли электрон ҳисобга олиш приборлари харид қилинди. Ушбу приборлар нафақат истеъмоли қилинаётган электр энергиясини ҳисобга олиш, балки ахборотни станциянинг маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш марказининг дастурий-техник комплексига узатиш имконини ҳам беради. Пудрат ишлари «ЭСАН» сошлаш корхонаси томонидан бажарилмоқда.

Янги ускуна қабул қилинган ва истеъмолчиларга етказиб берилган электр энергияси баланси-

ни аниқ назорат қилиш имконини беради. Сошлаш ишлари якунлангач, ахборотни станциядан республика ахборотни қайта ишлаш ва сақлаш бош марказига узатиш учун шароит яратилади.

Фарғона иссиқлик электр марказида ҳам шундай ишлар амалга оширилмоқда. Қашқадарё вилоятида «ЭСАН» сошлаш корхонаси мутахассислари томонидан тажриба учун ишга туширилган автоматлаштирилган тизим ҳисобга олиш ишларини юқори даражада аниқ ва ишончли бажаришини кўрсатди.

Иссиқлик электр станциялари, ҳудудий электр тармоқлари корхоналари, гидроэлектр станциялари каскади ва «Ўзэлектртармок» бўйича ягона автоматлаштирилган ҳисобга олиш тизими ташкил этилганидан сўнг электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимлари маъший истеъмолчиларга ҳам ўрнатилади.

«Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компаниясидан олинган маълумотларга кўра, 2010 йилнинг биринчи чорагида маъший истеъмолчиларга пойтахтимиздаги «Электрон ҳисоблагич» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган 185 мингта бир фазаги электрон ҳисобга олиш приборлари ўрнатилган.

Электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимларини жорий этиш жараёнига яқин вақт ичида электрон ҳисобга олиш приборларини ишлаб чиқарадиган яна бир корхона — «Телекартприбор» ҳам қўшилади.

**В.РУДАКОВА,
ЎЗА мухбири**

соҳасига кенг татбиқ этилмоқда. Бу борада, айниқса, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш тизимида эришилаётган ютуқлар эътиборга сазовордир. Шифокорларнинг янги тиббий технологиялардан оқилона фойдаланиш билан бир қаторда радиология илм-фанини янада ривожлантиришга муносиб улуш қўшмоқда.

Анжуманда тиббий визуализация ва интервенцион радиология соҳасида эришилаётган янгиликларни кенг татбиқ этиш билан боғлиқ вазифалар, рентген диагностикаси, ультратовуш ташхис қўйишнинг долзарб масалалари, ядровий тиббиёт ютуқларидан фойдаланиш истиқболлари, кадрлар тайёрлаш тизимида амалга оширилаётган ишлар ва галдаги вазифаларга бағишланган маърузалар тингланади.

**Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири**

РАДИОЛОГИЯ ВА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказида тиббий визуализация ва интервенцион радиологиянинг замонавий усулларига бағишланган халқаро илмий анжуман ташкил этилди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Радиологлар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатимиз олим ва шифокорлари, Австрия, Бельгия, Туркия, Россия, Қозғистон ва Украинадан мутахассислар иштирок этмоқда.

ликларни юқори аниқликда диагностика қилиш ва самарали даволаш имкониятини бермоқда.

Айни вақтда олим ва шифокорларимиз бундай замонавий диагностика ва даволаш асбоб-ускуналари имкониятларидан янада кенгрок фойдаланиш, хасталикларни ўз вақтида аниқ-

лаш ва самарали даволаш усулларига бағишланган илмий изланишларни изчил давом эттирмоқдалар. Юрак, қон-томир

диagnostикасидан фойдаланиш услублари, туғма хасталикларнинг олдини олиш ва барвақт аниқлашда диагностика ишлари самарадорлигини оширишга йўналтирилган илмий лойиҳалар шулар жумласидандир.

— Ўзбекистонда радиология юксак тараққий этган соҳалардан биридир, — дейди Украина радиологлар уюшмаси аъзоси, профессор Владимир Рогожин. — Жаҳон тиббиётининг энг илғор технологиялари мамлакатининг соғлиқни сақлаш

агентлиги ташаббуси билан ўтказилган тадбир «Сифат — иқтисодий раванқ йўлида» деб номланди.

ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **97-МАКТАБДА** уюштирилган «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси» кўрик-танловининг саралаш bosқичида бошлангич таълим ўқитувчилари иштирок этишди.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Бандий академияси Марказий кўргазмалар залида «Тасвирий санъат +5» кўрик-танлови совриндорларига сертификатлар топшириш маросими ўтказилди.

✓ **ШАХМАТ** бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган республика чемпионатига пойтахт жамоаси биринчи ўринга сазовор бўлди.

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Самарқанд ва Хоразм вилоятларида жорий йил биринчи чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда галдаги вазифалар муҳокамасига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.

• Самарқанд шаҳрида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда қатор халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида қандли диабет касаллигининг олдини олишга бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди. «Фаровонлик учун ҳамкорлик» шиори остида ташкил этилган мазкур тадбирда юртимиз тиббиётчилари билан биргаликда Россия, Грузия, Қозғистон, Германия ва Даниядан ҳам тадқиқотчи олимлар иштирок этди.

• «Шўртан газ-кимё мажмуаси» унитар шўъба корхонаси ҳузурида фаолият кўрсатаётган «Шўртан газ-кимё қурилиш» шўъба корхонаси «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида полиэтилен қувурлар ишлаб чиқарадиган заводнинг технологик линияси ускуналарини монтаж қилиш, ишга тушириш-созлаш ишларини ниҳоясига етказди. Бу ерда экструдер линия ишга туширилди ва дастлабки маҳсулот ишлаб чиқарилди.

• Кеча «Олмалик кон-металлургия комбинати» ОАЖ спорт мажмуасида Баркамол авлод йилига бағишланган Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари тарбияланувчиларининг республика спартакиадаси очилди. Унда болалар мини-футбол ҳамда «Алпомиш ва Барчиной» махсус тестлари бўйича ўзаро куч синашмоқдалар.

• Фарғона шаҳрида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми», «Меҳр нури» жамғармалари ҳамда «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорлигида «Биз — бир жамоамиз!» шиори остида ёшлар акцияси ўтказилди.

• Республика «Нуроний» жамғармаси ташаббуси билан бир гуруҳ меҳнат фаришларининг Урганч ва Хива шаҳарларига саёхати уюштирилди.

• Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетидан россиялик олимлар билан ҳамкорликда Орол ва экология муаммоларига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

• Фарғона вилояти Давлат солиқ бошқармасида «Ўзбекистон Республикасида солиқ тизимини модернизациялаш» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Анжуманда солиқ сиёсатини янада либераллаштириш, солиқ юқини камайтириш, солиққа тортиш таркибини соддалаштириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

ЖАҲОНДА

• Кеча Буюк Британияда бўлажак парламент сайловлари олдидан номзодларнинг иккинчи теледебати бўлиб ўтди.

• Маълумки, Босния ва Герцеговина НАТО ҳарбий ташкилотига аъзоликка интиломоқда. Шу муносабат билан НАТО ушбу мамлакатларга ташкилотга аъзолар учун ҳаракат режасини топширди.

• Кеча Шимолий Ирландияда полиция участкаси олдидан террорчилик ҳаракати содир этилди. Участка атрофидаги машинанинг портлатилиши натижасида уч киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди. Ҳозирча ушбу терактни амалга оширганликни ҳеч қайси ташкилот ўз зиммасига олгани йўқ.

• Испаниянинг Барселона шаҳрида Халқаро олимпия кўмитасининг собиқ президенти, ушбу нуфузли ташкилотни йиғирма йилдан ортиқ вақт давомида бошқарган Хуан Антонио Самаранч 89 ёшида ўткир юрак етишмовчилиги хасталигидан вафот этди.

• Афғонистоннинг Гильменд музофотида террорчилар билан алоқада гумон қилиниб, ҳибсга олинган уч нафар Италиянинг нодавлат инсонпарварлик ташкилоти аъзолари озод қилинди.

• Владивостокда полвонлар кўпураши бўйича қизқарли мусобақалар бўлиб ўтди. Унинг иштирокчилари 7,5 тонналик ҳарбий юк машинасини арқон орқали тортиб жойидан қўзғатиш, юз килограммлик ғўлалар ҳамда 300 килограммлик штангани кўтариш бўйича ўзаро баҳс юритдилар.



Оймома – бизга мададкор

ТОМОРҚАДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИНГ!

Хозир ерга уруғ қадаш, ҳар турли гул, сабзавот кўчатлари, мевали ва манзарали дарахтлар ўтказиладиган вақт поёнига етай деб қолди. Экинлардан кўнгилдагидек ҳосил етишин, дарахт ва ўсимликлар яхши ривож олиб кетсин деганга, табиат қонуниятларига амал қилганингиз маъқул. Айниқса, Ой сайёрасининг гул ва кўчатларга, экинларга таъсири кучли бўларкан. Мунажжимлар турли ўсимликларни экиш, кўчат ўтказишда Ой фазаларига қараб иш қилишни тавсия этишади.

Янги Ой чиқишидан 12 соат олдиндан у чиққанидан кейинги 12 соат давомида экин экиш, дарахтларни кўчириб ўтказиш, кўчат ўтказиш, кесиш, улаш тавсия этилмайди. Сабаби – улар тинч ҳолатда бўлишаркан. Ойнинг биринчи фазаси (биринчи чораги) ўсимликларни озиклантириш ва суғориш учун гоат мақбул вақтдир. Шу кунлари дарахтларни пайвандлаш, ерга уруғ қадаш, гулларни кесиш, уларга шакл бериш ҳосиятли бўлади.

Биринчи фазадан иккинчисига ўтиш даврида дарахт шохлари, новдалари ва барглари айнаи кучга тўлган пайт бўлади. Шу ўтиш пайтигача 12 соат ва ўтишдан кейинги 12 соат давомида ҳам ўсимлик кўчатларини ўтказиш, пайванд қилиш тавсия қилинмайди.

Ойнинг иккинчи фазаси кунлари қувват ўсимлик илдизидан юқорига қараб "оқади", бу – уларни озиклантириш ва суғориш, пайванд ишларини бажариш, уруғ сепиш ва гулларни кесишининг айнаи кулай пайти.

Ой тўлишига 12 соат қолгандан бошлаб ундан кейинги 12 соат мобайнида ўсимлик кўчатларини ўтказиш мақсадга мувофиқ эмас, дейишади мунажжимлар. Бу вақтда уларнинг илдиз тизими заифлашиб, авж олиш қобилияти пасайган бўлади.

Ойнинг учинчи фазасида ўсимликлар шарбати ва қуввати учларидан илдиз томон "оқади". Бу давр пивэли ўсимликларни экиш, уларни бўлақларга ажратиш учун кулай ҳисобланади. Шунда ўсимликларнинг илдиз-пивэлари бақувват бўлиб, ерга ўтказилганда яхши авж олиб кетади.

Ойнинг тўртинчи фазасида шарбат ва қувват яна тепадан паога қараб "оқади" ва бу даврда дарахт кўчатларини ўтказиш, қаламча олиш, уларни ерга ўтказиш, дарахтлар ва кўпйиллик гуллар илдизларини бўлақларга бўлиш мумкин. Яхши ҳосил олиш учун дарахт ва экинлар парваришида Ойнинг қайси буржда турганини ҳисобга олган ҳолда иш қилишининг ҳам аҳамияти катта.

— Оилада эр ва хотин роли шунчаки одат ёки аънава бўлиб қолмай, жамият таракқиети таърибаси белгилаб берган тартибдир, — дейди меҳнат фахрийси, таърибали педагог Замира Аъзамхўжаева. Шундай қилиб оилада эркекларнинг етакчи роли ҳақида сўз — катта ҳаёт таърибасига эга бўлган кўплаб шогирдлар устози, тўрт фарзанд отаси, 12 набира ва икки эвара буvasи Замира опага.

Кучли мушаклар, катта чидам ва сабот ҳамда ўзига яраша журъат-жасорат эгаси бўлган эр кишининг олдида биринчи навбатда кўйилган вазифа — оила ҳимоячиси вазифасидир. Иккинчидан, оила равнақи, фаровонлиги, бахтли-саодатли ҳаётни таъминлашда ҳам эркекнинг ҳиссаси катта бўлиши керак.

Аёлнинг ўрни эса, бутунлай бошқача — унинг зиммасига эрининг рўзгор бўйича кўмакчиси, она ва уй бекаси вазифалари юклатилган. Кўмакчи деганда иккинчи даражали вазифа, ишлар юкланган экан-да, деган маъно келиб чиқмайди. Масалан, "Аёл жозибаси" китобида аёлга кўмакчи роли берилганда, унинг эрини тушунадиган, кўллаб-қувватлайдиган ва баъзан ёрдан ҳам берадиган умр йўлдоши сифатида тавсифланиши бежиз эмас. Болани дунёга келтиришда тўлғок азобларни била туриб, уни тўққиз ой қорнида кўтариб юришга журъат этган аёлнинг оналик роли шаксубҳасис ва муқаддасдир.

Уй бекаси вазифаси ҳам осон ишлардан эмас — у эрини ўз вазифаларини эркин-эмин бажариши учун болаларни парваришлаб тарбиялаши, рўзгор юмушларини адо этиши, кундалик қозон-товқ ишларини бажариши керак. Хуллас, оилада вазифалар бўйича эр-хотиннинг роли ҳар хил, аммо аҳамияти жиҳатидан бир-бирига тенг. Шу жиҳатдан, эр-хотинларни қулф билан калитга ўхшатган Генри А. Боумен китобидаги куйидаги гапларни келтириш ўринли:

"Биргаликда улар шундай ишларни амалга оширишадики, алоҳида-алоҳида ҳеч ҳам бунинг уддасидан чиқишмаган бўлишарди, — деб ёзади у. —

Мабодо, иккита қулф ёки иккита калит ишга тутинишса, вазифа адо этилмай қолади. Ҳамкорларнинг ҳар бири ўз ботида ягона, аммо алоҳида олинган ҳар бири номукамалдир. Уларнинг ролларини бир-бирига ўхшаш ёки ўзаро алмашса бўладиган деб бўлмайди. Ҳар иккаларини бир бутуннинг ярми бўлгани учун ва бир-бирларисиз оила бўлмас-

зик ва чаққон кўллари эпчилроқ тикар ва тўқир эди. Эркеклар эса оғир юкларни ташиш, ер қоғиш ишларига кўпроқ мослашишганди.

Бирок, ишни тенг тартибда бажаришга келганда, низолар келиб чиқиши олимлар учун энг ҳайратланарли кашфиёт бўлди. Одамлар ўзаро бахшлашиб, адоватга боришар, ҳатто бир-бирларини ёмон кўриб қолишарди. Шу сабабдан бутун-бутун жамоалар тарқалиб кетарди. Олимлар, шу тариқа, жамоада ишни ташкил этишининг энг матлуб усули меҳнат тақсимоти усулидир, деган хулосага келишди. Шундай қилиб, инсониятнинг минг йилликлар давомидаги қимматли таърибаси ҳаётда яна ўз тасдиғини топди.

Оила ҳаётидаги энг салмоқли ютуқларга эр ва хотин ўз вазифаларини сикқидилдан ва садоқат билан бажарган ҳолларда эришилади. Иккинчи томондан, улардан бири ўз вазифасини бажаришни истамаган ёки урдалай олманган ёки бошқасининг вазифаларини адо этишга киришган ҳолатларда энг катта муаммолар келиб чиқади.

Шунинг учун аёлларга эркекларнинг ўз ишларини урдалашларига кўйиб беришларини, аёллар эса ўз аёллик ролларини қўйилмаком қилиб бажаришга чуқур масъулият билан ёндошишларини тавсия этардик. Албатта, сиз ўзингизга рўзгор ишларидеа кўмаклашадиган ёрдан ҳам ёллашингиз, болаларингизни ёрданга сафарбар этишингиз мумкин. Аммо, нима бўлганда ҳам ўз зиммангиздаги вазифаларини бажаришдаги тартиб учун шахсан ўзингиз жавоб беришингиз керак.

Оилада янада каттароқ муваффақиятларга эришиш учун аёллар ўзларига хос ишларда маҳорат ва таърибага эга бўлишлари зарур бўлади. Яхши таомлар тайёрлашни ўргангиз, уй ишларини тартибга келтириш, умуман рўзгор юритишни пухта ўзлаштиригиз. Аёлларга хос тежамкорлик ва болаларни тарбиялаш сирларини ўргангиз. Ўзингизни унутиб, оилангизда бахт ва фаровонлик барқарорлиги йўлида фидойи бўлинг.

Дам олиш соатларида

БАХТЛИ ОИЛАЛАР КЎПАЯВЕРСИН

лиги туфайли ҳам бир-бирларидан устун бўлишолмайди. Ҳар бирлари ҳақида ўз вазифаларига мутаносиб равишда мулоҳаза юритиш керак — зеро, улар фақат бир-бирларини тўлдиривади".

Кўриб турганингиздек, оила вазифалари меҳнат тақсимоти бўйича ҳал қилинади. Шуниси қизиқки, ҳозирги замон илганишлари бу қадимий гоа одамлар ҳамкорлигидаги энг матлуб тақсимот эканини исботлади. Утган аср 70-йилларида Америкадаги бир қанча йирик саноат тармоқлари жамоалар жанжал-можароларсиз, аҳил ишлайдиган энг самарали тузилмани аниқлаш бўйича илмий илганишларда ўз кучларини бирлаштиришди.

Тадқиқотлар, жумладан, бирмунча олдин — яъни 60-йилларда пайдо бўлган хиппи ташкилотларида олиб борилди. Идеалистлардан иборат бу гуруҳлар меҳнат тақсимоти асосида эмас, балки ўзаро тенглик асосига қурилганди. Эркек ва аёллар кундалик юмушларни ўзаро тенг асосда тақсимлашарди. Аёллар эркеклар билан елкама-елка ҳам даладарда, ҳам бошпаналар қурилишида меҳнат қилишарди. Эркеклар аёллар билан баравар рўзгор юмушлари ва болалар тарбияси билан шугулланишарди.

Уларни кузатиб, олимлар қизиқ ҳақиқатга дуч келишди: тенглик эркеклар ва аёллар учун характерли бўлган фарқларга мос тушмади. Аёллар бир хил ишларни яхши урдалашса, эркеклар бошқа турдаги ишларни яхшироқ бажаришарди. Аёлларнинг но-

— Болалар кир, чанг-тўзонли жойларда ҳам ўйнаш имкониятларига эга бўлишлари керак, — дейди олий тоифали болалар шифокори Зойиржон Садилов. — Чунки терини ҳаддан зиёд озода, тоза тутиш унинг ўзини ўзи тиклаш қобилиятини зарарлантириши мумкин. Олимларнинг янги, жуда фойдали тадқиқотлари шундан далолат берапти.

Шифокор маслаҳат беради

ЯНГИ ТАДҚИҚОТЛАР НАТИЖАЛАРИ

Куйида шифокорнинг шу ҳақдаги суҳбатини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Олимлар гўдақлик даврида бактериялар жароҳатлар туфайли юзага келган яллиғланишларга қарши курашда ҳаётий муҳим аҳамиятга эга бўлишини аниқлашди. Калифорния университети, Сан-Диего Тиббиёт мактаби тадқиқотчилари гигиенага ҳаддан зиёд эътибор бериш териларимизнинг соғлом сақланиш қобилиятини сустайтиришдан оғохлантиришади. Сичқонлар ва инсон тўқималарини ўрганар экан, тадқиқотчилар гуруҳи хилма-хил бактериялар кўплаб ва доимий равишда териларимиз сиртида истиқомат қилиши, улар тошмалар олдини олиб, кесилган жойларни битириб, кўқарган жойларимизни ўз холига келтиришини аниқлашди.

Олимларнинг таҳминича, стафилококк деб аталувчи кенг тарқалган бактериялар эпидермисда, яъни инсон териси сиртки қатламидеа

мавжуд бўлган ҳолларда улар жароҳатдан кейинги яллиғланишни камайитириши мумкин. Ушбу бактериялар чиндан ҳам биз учун жуда фойдали, деган тиббиёт профессори, соғлиқни сақлаш вазириликнинг Сан-Диегодаги дерматология бўлими бошлиғи Ричард Р. Галло.

Инсон териси юзасида ёки тана ичида яшайдиган микроблар сони 100 триллиондан ортиқдир. Уларнинг кўпчилиги саломатлик учун фойдали бўлиб, хавфли бактерияларнинг организмга тушишига йўл қўймайди ва имунал тизимни мустаҳкамлайди. Галло ва унинг ҳамкорлари инсон танасини ҳимоя қиладиган зарарсиз бактерияларни топиди. Улар Липотейхой кислотаси ёки ЛТА деб аталувчи молекулане яратадики, бу молекула эпидермисда учрайдиган тўқималарнинг асосий типе — кератиноцитларга таъсир этади.

ЛТА жавоб яллиғланиш реакцияси ривожланишига имкон берамай, кератиноцитларни живолаб тура-

ди. Тадқиқотлар натижалари, деган Галло, гўдақликдаги бактерияларнинг таъсири келажакда инсонни аллергиядан сақлашни кўзда тутувчи гигиена фаразини молекулар даражада асослаб берди. Бу ҳолат терининг яллиғланиш касалликларини даволашга янги терапевтик ёндашувларни ишлаб чиқишимизга ёрдан бериши мумкин.

1980 йил охирида илк бор тақдим этилган Гигиена фаразеи, болаларни бактериялар ва микроб-организмлар таъсиридан чегаралаб қўйиш одамнинг касалликларга берилувчанлигини оширишини таъкидлайди. Илгарироқ бу фараздан, юқумли бактерияларга кўпроқ дуч келадиган кўпбололи оилаларда пичан аллергияга ва экземага ўхшаш касалликлар нега камроқ тарқалганини изоҳлашда фойдаланилган. Бу фаразнинг тўрилиги кўпроқ тараққий этган мамлакатларда аллергия касалликлар сонининг ортиб бориши билан ҳам изоҳланган.

Фазо сирлари

БАТАФСИЛ ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

Бир қатор мамлакатлар астроном олимлари ўтган йилнинг октябрь ойида ноёб ҳодиса — ялт этиб чақнаган гамма нурланишини кузатишди. Биринчи бўлиб уни NASAга тегишли HETE фазовий аппарати пайқади. У бир зумда гамма-нурланишни идентификациялаб, унинг осмондаги жойлашини аниқлади. Мазкур ахборот Ерга узатилиб, жаҳоннинг энг йирик обсерваторияларига етиб борди.

Японларнинг Вако шаҳрида жойлашган ART телескопи биринчи бўлиб гамма-нурланиш чакноғига ўзини созлаб олди. ART чакноқ аниқланганидан атиги 193 сония кейиндан бошлаб уни кузата бошлади. Бирмунча вақт ўтганидан сўнг эса, яна 50 га яқин телескоплар дунёнинг турли чеккаларидан туриб уни кузатишни бошлашди.

Гамма-нурланишлар чакноқлари астрономлар томонидан тез-тез қайд этиб турилади. Бирок, шу вақтгача улар устидеа бу қадар батафсил тадқиқотлар олиб борилмаганди. Гап шундаки, гамма-чакноқлар жуда қисқа вақт — 0,1 дан 100 сониягача давом этади. Кўпинча атрофни ўраб турувчи маконда материяга урилган тўлқин оқибатида юзага келадиган ва ренгтен ҳамда оддий кўз билан аниқлаш мумкин бўлган чакноқдан кейинги шуълани кузатишга муваффақ бўлинади.

Гамма-нурланишлар чакнаши гигант юлдузларнинг қора туйнукка айланиш вақтида (қолапс вақтида) ҳосил бўлади, деб ҳисобланади. Юлдуз фавқуллода қаттиқ қисилиб, айнан зич қора туйнукка айланишидан гамма-нурланиш юзага келади, деб ҳисобланади. Чақнаш жуда кам вақт давом этади, зеро, ҳосил бўлган коллапсар бутун атрофни ўраб турган материяни фотонни ҳам қўшиб юта бошлайди.

Тасвирланаётган гамма чакнаши GRB021004 индексини олган. Қора туйнукка айланган юлдуз Куёшдан тахминан ўн беш марта оғирроқ бўлганди. Мазкур ҳодиса бутун кузатувлар тарихи давомида энг батафсил ўрганилган чакноқ ҳисобланади. Шу билан бирга, гамма-чакноқдан ярим соат ўтганидан сўнг пайдо бўлган кейинги шуълаланиш энергиясининг анча кўпайиши таъсири илк бор аниқланди. Тадқиқотчилар фикрига кўра, яна ўша коллапсарга қисилган улкан юлдуз бўлиши ва гамма тарихи юқори кучланиши чакнашининг кичик бир қисми бўлиши мумкин.



Болаликнинг бегубор, аммо жиддий дамлари... Козим Улмасов олган сурат

ҲАНГОМАЛАР

Машҳур француз актери Поль Муне иширокидаги театр труппаси сафарларга чиққанда майда роллар учун актёрларни олиб боришмасди. Бунақа роллар учун ижрочиларни маҳаллий ҳаваскорлар орасидан топиларди.

Шундай ҳаваскорлардан бирига хизматкорнинг «Монсенвор, соков келди» деган ягона луқмасини ижро этиш топширилади.

Пойтахтдаги машҳур артистлар билан бир спектаклда роль ўйнаётганидан ҳаяжонланган ҳаваскор сахнадаги ижросини андак бўлса-да чўзиш учун ўздан ҳам андак бўлиб шундай дейди: «Монсенвор, соков келди...ва у сиз билан гаплашмоқчи».

Унга хатосини тузатиш учун имконият яратиш мақсадида Муне шундай дейди:

— Унинг соков эканлигига ишончингиз комилми?
— Ҳарқалай, ўзи шунақа деярди! — ҳаваскор баттар қовун туширади.

Машҳур рус артисти Александр Вертинский эзоқ йиллар Ватандан айрилиқда яшаб, юртига қайтади.

Ўта ҳаяжонланган кўшиқчи вагондан тушиб, атрофига аланглайди...Перронга жомадонини қўйиб, эҳтирос билан хитоб қилади:

— О Россия! Бу ўзингмисан? Сени танимай қолдим.

Артист оппоқ рўмолчаси билан бехитёр тўкилган кўз ёшларини артиб, жомадонини олиш учун энгашиб қараса...уни ўғри уриб кетибди.

Кўшиқчи маънос оҳангда шивирлайди:

— Сени танидим, Россия...

Машҳур артист Савелий Крамаров Американинг Лос-Анжелос шаҳрида яшаётганида Борис Сичкинга дўхтирлар кўзини операция қилганини, аммо гилайлиги сақланиб қолганини айтиб ҳасрат қилади. Бир оқшом улар сайр қилиб юришганда Савелий дуч келган йўловчидан соат неча бўлганини сўрайди. Кўриб кетган йўловчи дарҳол соатини ва яна саксон долларини топшириб, қочиб қолади.

— Савелий, — дейди шунда Сичкин, — дўхтирлар сенга яхшилик қилишган. Нью-Йоркка кўчиб ўт. Оқшомда сайр

қилиб юриб икки марта соатни сўраб қўйсанг бас — бир ҳафталик тирикчилигингни гамлаб олаверасан!

Машҳур француз актери Жан Габен бир кун шундай деган эди:

— Агар сиз саёхатга котибангизни бирга олиб кетаётган бўлсангиз ва атрофдагиларда у сизнинг хотинингиз деган таассурот қолдиришни истасангиз, жомадонларни кўтаришни унинг ўзига ҳавола қилинг. Сизларнинг эрхотин эканингизга бундан зўр исбот бўлмайди!

Машҳур итальян режиссёри Федерико Феллини шундай деган эди:

— Томошбин хамиша ҳақ, фақат буни у пайқамаслиги лозим.

Ёши бир жойга бориб қолганда ҳам мухлисларини йўқотмаган машҳур киноактриса Марлен Дитрих бир кун ўзининг беҳисоб жазманлари ҳақида шундай деган эди:

— Булар худди теннис ўйинидаги томошбинларни эслатарди. Фақат томошбинлар бошларини гоҳ чапга, гоҳ ўнгга буришса, булар тепадан паога, паостдан тепага буради.

Кунлардан бир кун машҳур француз актриса Брижит Бардодан нима учун автомобиль фалокатлари темирйўл фалокатларидан кўра кўпроқ учраши сабабини сўрашди. Актриса дарҳол жавоб беради:

— Бу мутлақо табиий. Сиз бирон марта поезд ҳайдовчисини буғ машинаси билан кучоқлашиб турганини кўрганмисиз?

«Ла Скала» театрида Шалепин Борис Годунов ролинни қўйилмаком ижро этганида хузурига италиялик кўшиқчи қиради.

— Соқолингиз ажойиб экан, — дейди италиялик ҳасад билан, — Мен ҳам шунақа соқол билан куйлашни истардим.

— Гап фақат соқолда бўлганида эди, — дейди Шалепин, — эчки биздан кўра яхшироқ куйларди.

Шалепин шу захоти юзидан подшолик соқолини қилиб олиб, италияликка бераркан, шундай дейди:

— Мен бажонидил калламни ҳам қўшиб берадим-у, аммо у хозирча ўзимга яна керак бўлади.

Шодмон ОТАБЕК тайёрланди

Спорт янгиликлари

**ШИФОКОР АЁЛЛАР
БАҲС ЮРИТДИ**

Мирзо Улугбек номли маданият ва истироҳат боғида Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари Кенгашига қарашли даволаш-профилактика муассасаларино аёллар спартакиадаси бўлиб ўтди.

Хотин-қизларни оммавий спортга кенг жалб этиш орқали уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, бўш вақтини маъмул ўтказишни таъминлаш мақсадида ташкил этилган спартакиада баҳслари икки босқичда ўтди. Дастлаб мусобақалар туманлараро ўтказилган бўлса, иккинчи кун иختисослаштирилган тиббий-илмий марказлар бўйича «Барчиной синовлари», стол тенниси, шашка ва аркон тортиш бўйича баҳслар қизгин тус олди.

Биринчи босқичда энг юқори натижаларга эришган Сергели тумани жамоаси ғолиб чиққан бўлса, С.Раҳимов ва Миробод туманлари вакиллари кейинги совринли ўринларни банд этди. Иختисослашган тиббий-илмий муассасалар бўйича турнирда «Барчиной синовлари»да Тошкент Тиббиёт академияси 2-клиникаси, стол тенниси бўйича Тошкент Тиббиёт академияси, шашкада Гематология ва қон қуйиш

илмий-текшириш институти, аркон тортиш бўйича Онкология илмий маркази вакиллари зафар кучди. Сарҳисобга кўра Онкология илмий маркази жамоаси ҳурмат шохсупасининг энг юқори поғонасидан ўрин олди.

**(Ўз мухбиримиз)
СУРАТЛАРДА: аёллар спартакиадасидан лавҳалар Козим Улмасов олган суратлар**



НАФОСАТ ВА НАЗОКАТ КЎРИГИ

«Универсал» спорт саройида Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Гимнастика федерацияси томонидан ташкил этилган бадий гимнастика бўйича 1995-1999 йилларда туғилган қизлар ўртасидаги мамлакат биринчилигида юртимизнинг барча ҳудудларидан 150 нафардан зиёд спортчи иштирок этди.

вафқиятли иштирок этиб, энг кучли 12 нафар гимнастикачи қаторидан жой олди. Германиянинг Падерборн шаҳрида ўтказилган «Pader Gymnastics Cup-2009» халқаро турнирида Зарина Қурбонова, Ольга Кириякова, Вероника Угай ва Замира Санақулова гуруҳ беллашувларида олтин медални қўлга киритди. Сарвина Холиқова эса яқаликлар ўртасидаги кўпураш беллашувларида кумуш медалга сазовор бўлди.

нова ўрта олтин ва битта кумуш медал ҳамда Сингапурда бўлиб ўтадиган ёшлар ўртасидаги I Олимпия уйинларига йўланма ни қўлга киритди. Хусниябону Фуломова олтин ва Сарвина Холиқова кумуш медал билан тақдирланди. Шунингдек, улар жамоавий беллашувларда шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Гуруҳ беллашувларида иштирок этган Луиза Фаниева, Зарина Қурбонова, Ольга Кириякова ва Вероника Угай гуруҳлар ўртасидаги беллашулда иккита бронза медални қўлга киритди. Ўзбекистон биринчилигида кўлаб иқтидорли ёш гимнастикачилар кашф қилин-

ди. Шунингдек, унда халқаро тажрибага эга спортчиларимиз ҳам ўз маҳоратини муносиб намойиш қилди. Мисрда ўтказилган халқаро турнирда совринли ўринни эгаллаган пойтахтлик Эвелина Калишер спорт устали ўртасидаги кўпураш беллашувларида асосий рақобатчилари – самарқандлик Людмила Повернинова ҳамда бухоролик Замира Санақуловани ортада қолдириб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. 1995-1999 йилларда туғилган қизларнинг кўпураш баҳсларида пойтахтлик Валерия Давидова олтин медалга сазовор бўлди. Умидли спортчи ўзро рақобатда Осие чемпиони Хусниябону Фуломова (Бухоро) ҳамда тошкентлик Майя Филипповадан ўзиб кетди. Энг кичик ёшдаги бадий гимнастикачилар баҳсида Тошкент шаҳри вакиллари Рамиля Фахриддинова ҳамда Нилуфар Шомуродова ғолиб чиқди. Мусобақанинг гуруҳ беллашувлари ғолиблари халқа ва тасмада бажарилган композициялар натижасига кўра аниқланди. Унда Тошкент шаҳри шарафини ҳимоя қилган Ольга Кириякова, Луиза Фаниева, Зарина Қурбонова ва Вероника Угай ғолиб чиқди.

**Байрам АЙМУРОДОВ,
ЎЗА мухбири**

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ҳурматли ишбилармон ва тadbиркорлар!

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузурдаги «Тошкент шаҳар давлат мулкини ижарага бериш маркази» хусусий секторни кенгайтириш, кичик бизнесни ва тadbиркорлиқни ривожлантиришда кўмаклашиш ҳамда давлат мулкидан янада оқилона фойдаланиш мақсадида қуйидаги манзиллар бўйича жойлашган бинолардаги бўш майдонларни ижарага олишга тақлиф этади:

№	Балансда сақловчининг номи	Манзили (жойлашган жойи)	майdonи (кв.м)	Фойдаланиш мақсади	Балансда сақловчининг юқори ташкилоти билан келишилган ҳолда	Телефон
1	19-сон қурилиш корхоналари бирлашган дирекцияси	Бектемир тумани, Ҳ.Бойқаро, 3	170	офис, ўқув машғулотлари	Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ ва сув ҳужалиги вазирлиги	295-02-92
2	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг асосий кутубхонаси	М.Улугбек тумани, Мўминов, 13	74	ишлаб чиқариш	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси	262-74-08
3	Гидрогеология ва инженерлик геологияси институти «Гидроингео» ДК	М.Улугбек тумани	80	ишлаб чиқариш	Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси	262-47-63
4	Ядро физикаси институтининг Республика Марказий Изотоп лабораторияси	М.Улугбек тумани	94	ишлаб чиқариш	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси	233-76-29
5	«Мирзо Улугбек Коммунал Қурилиш Таъмирлаш» М-ДК	М.Улугбек тумани, Қорасув-2	96,8	коммунал хизмати	Тошкент шаҳар ҳокимияти	267-49-52
6	«Ўзэлектртармоқ» УК	М.Улугбек тумани, Истиқлол, 6	15,7	офис	М.Улугбек тумани, «Ўзбекэнерго» ДАК	236-69-12
7	Бинолардан фойдаланиш департаменти	Миробод тумани, Бектев-Сариқул, 5	97,99	маиший хизмат	Тошкент шаҳар ҳокимияти	233-65-06
8	Ўқув-машқ маркази	Сергели тумани, Аэропорт, 167	40,38	ошхона	«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси	255-34-03
9	«Тошкент халқаро аэропорти» ДУК	Сергели тумани, Аэропорт	18,4	касса	«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси	140-29-90
10	А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти	С.Раҳимов тумани, Зиё кўчаси	424	ишлаб чиқариш	Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги	227-16-45
11	Республика аҳоли бандлиги, меҳнатини муҳофаза қилиш ва аҳолини иқтисодий муҳофаза қилиш илмий маркази	С.Раҳимов тумани, Қамарнисо, 37	432	ишлаб чиқариш	Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини иқтисодий муҳофаза қилиш вазирлиги	214-88-02
12	«Гидромеханизация» ДМБ	С.Раҳимов тумани, 1-Қорақамий	70	офис	Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ ва сув ҳужалиги вазирлиги	228-75-29
13	Республика ўқувчи-ёшлар маркази	Чилонзор тумани, Катта Хирмонтепа, 43 а	75	ишлаб чиқариш	Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги	217-18-71
14	«Тошкентгазтаъминот» УК «Тошкентшаҳаргаз» филиали	Чилонзор тумани, 5-мавзё	6	коммунал тўловларни қабул қилиш хизмати	«Ўзтрансгаз» АК	253-60-86
15	«Республика телерадиокомпанияси» ДУК	Шайхантаҳур тумани, Навоий, 69	227,96	ошхона	Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси	214-15-75
16	Тошкент ҳайвонот боғи	Юнусобод тумани, Боғишамол, 232а	15	пайнет хизмати	Тошкент шаҳар ҳокимияти	262-71-95
17	Бинолардан фойдаланиш департаменти	Юнусобод тумани, Ифтихор, 1а	430	полиграфия хизматлари	Тошкент шаҳар ҳокимияти	233-65-06

Марказ томонидан 2010 йил биринчи чорагида 105329,22 кв.м бўш турган ва фойдаланилмаётган майдонлар аниқланган бўлиб, шундан 2010 йил биринчи чорагида 72592,92 кв.м. майдонлар тadbиркорлик субъектларига ижарага берилган. Ижара масалалари тўғрисида қўшимча маълумотлар бўйича Амир Темураш шохқўчаси, 16а-уй манзилида жойлашган Тошкент шаҳар давлат мулкини ижарага бериш маркази ДК (4-қават, 408-хона) ёки 232-22-58 телефон рақамига мурожаат қилишингиз мумкин. Электрон манзил: Tashkent_ljara@mail.ru. Ижара шартномасига коммунал ва эксплуатацион тўловлари кирмайди.

Республика кўп тармоқли Агрисаноат биржаси Тошкент филиали Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудлари томонидан аукцион савдосига тақдим қилинган автотранспорт ва кўчмас мулкларга қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 — фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини 20208000704632976001, ТИФ Миллий банк С.Раҳимов бўлими, МФО 00876, ИНН 206 852 268, ОКОНХ 81200 ўрнига АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтаҳур филиалининг 20208000304632976002, МФО 00425, ИНН 206 852 268, ОКОНХ 81200 ҳисоб рақамига тўлашларини маълум қилади.

Тузатиш: 2010 йил 24 мартдаги «Тошкент ҳақиқати» ва 2010 йил 25 мартдаги «Тошкент оқшоми» рўзномасида эълонга берилган «2010 йил 27 апрелдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда» сўзлари ўрнига «2010 йил 28 апрелдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда» деб ўқилсин.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: ДВ 001 №000003



**МАШРИҚЗАМИН —
ҲИКМАТ БЎСТОНИ
САБР БАЁНИДА**

**Бордур сабр аҳли кўб ҳар асрда,
Фаҳм қилгил сабрни «Ва-л-аср»да.**

**Сабр завқини на билгай тийра дил,
Истасанг бу завқни сабр истагил.**

**Бўлмаса ҳар кимники андешаси,
Йўқ ани поку палиддин сабриси.**

**Бу ажойбдурки, ул тийра диле,
Истамас ул ҳеч вақт сайқалгаре.**

**Истасанг оинани қилмоқ жалий,
Сайқали қил, сайқали қил, сайқалий.**

**Гар киши оҳанни кўб сайқал қилур,
Ул бўлур ойнавор они кўрур.**

**Ким бугун сабру таҳаммул
бирладур,
Тонгла ул тахту таҳаммул
бирладур.**

**Келса гар ҳақдин санга
жавру жафо,
Бу жафо бирла ўроғлиқдур сафо.**

**Истагилу истагилу истагил,
Доимо сабру таваккул истагил.**

**Сабрдин ман ҳар неча
қилсам калом,
То қиёмат бўлмагай ҳаргиз тамом.**

**Ушбу йўл сабру таҳаммулни йўли,
Айла ҳиммат, йўлга
киргил бир йўли.**

**Ушбулар ҳар кимга бу йўл тушаси,
Бўлмаса мундин бўлак андешаси.**

**Қирсанг ушбу йўлга беандеша кир,
Йўл йироку йўл оғир, маркаб яғир.**

**Эй дило, доим тафаккур пеша қил,
Гулмусан ё хормусан, андеша қил.**

**Гар гул юрсанг иста ул гулзорни,
Хор бўлсанг иста доим норни.**

**Тез ол устунгдаги бу борни,
Тез солгил бўйнуңга зуннорни.**

**Бўлса ҳар кимники олий ҳиммати,
Ваъдадур «ло тақнату
мин раҳмати».**

**Рўзу шаб ушбу йўл ичра, эй амак,
Тўша йўқ гайр аз
таваккулдин бўлак.**

**Ҳар киши бу сирридин огоҳ эмас,
Ҳар амал шойистаи даргоҳ эмас.**

**(Давоми бор)
Маҳмуд ҲАСАНИЙ ва
Мавжуда РАЗЗОҚОВА
тайёрлаган**

«Ипотека банк» АТИБ Собир Раҳимов бўлими «ДА-МАС STD» русумли, 2002 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситасини сотади. Автомобилнинг бошланғич баҳоси — 4 601 205 сўм.
Тел: 150-22-32, факс 150-22-31

Тошкент шаҳар ҳокимлиги моддий техник таъминот бошқармаси жамоаси бошқарма бошлиғи ўринбосари Иззатилла Қудратович Садиковга волидаи муҳтарамаси
РИХСИНИСА аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ**
Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

**Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатта олинган.**

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
1 2 3 5